**ИЖАРА ШАРТНОМА №_146777/1**
**Лот:_22110012146777**

«_15_» сентябрь 2022 й                                                                 **Қарши шахри**

**« Буюртмачи »** **Қашқадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси** ўз низоми асосида иш юритувчи директори **Б.Вафаев** бир томондан ва иккинчи томондан ***ЯТТ Азимов Бахтиёр Баходирович*** бундан кейинги ўринларда корхона низоми асосида иш олиб борувчи «**Бажарувчи**» номидан ***Б.Азимов*** Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий хужжатларига асосланиб, қуйидаги тартибда шартнома туздилар.

**1.Шартнома предмети ва бахоси.**

| № | Техника номи | Улчов бирлиги | Сони | Бошлангич нархи | Келишилган нарх | Шартнома сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Экскаватор | кун | 120 | 800 000 | 800 000 | 96 000 000 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | **96 000 000** |

1.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш ишларини бажариши учун машина-механизмлари (экскоатор хизмати) билан хизмат кўрсатади .
1.2 «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар, яъни ишлаган иш хажми хисобидан иш юритувчи томонидан тасдиқлаб мухр босилган маълумотномага (Сменный Рапорт) билан хисоб варақаси орқали расмийлаштирилади.
1.3.«Буюртмачи» «Бажарувчи» машина-механизмлари томонидан бажарилган иши учун ўз вақтида тўловни амалга оширади.
1.4.Жами сумма билан бирга **96 000 000,0 (Туксон олти миллион)___** сум.

**2. Буюртмачи мажбуриятлари.**

2.1.«Буюртмачи» «Бажарувчи» машина–механизмларини тулиқ иш билан таъминлайди. Бекор туриб қолишига йўл қўймайди. Объектда иш юритувчи томонидан кунлик механизми учун хисоб варағи (Сменный Рапорт) юритади, ёнилги хисоби хамда бажарилган иш хажми хисобидан маълумотнома тақдим этади. «Буюртмачи » тўловни шу маълумотномага ишлаган иш куни буйича (Сменный Рапорт) нисбатан амалга оширади.

**3. Бажарувчи мажбуриятлари.**

3.1.«Бажарувчи» ўз механизмларини ишчи холатида булишини хамда, техника хавфсизлиги санитария талабларига жавоб берган холда қурилиш монтаж ишларида узилиш булишига йўл қўймасликни таъминлаш;.
3.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан тасдиқлаб берилган иш хажми реестри, экспертиза хулосасига асосан хисоб-фактурани ўз вақтида тақдим этади ва «Буюртмачи» нинг ички бухгалтерия хисобларининг кечикишига йўл қўймайди.
3.3.

**4. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги.**

4.1.Тарафлар шартнома шартларининг бажарилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун мулкий жавобгардирлар.

**5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

5,1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5,2. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан хар кандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошка соҳаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб колиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк

Scanned with CamScanner

жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига қонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошка молмулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хуқукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хам даваколатлидавлаторганларинидарҳолхабарлорқилишишарт.

5.3. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукуқшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошкавакилларга) нисбатан қуйидаги харакатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

**6.Низоларни хал қилиш тартиби.**

6.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан хал қилинади.

6.2. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги 29.08.98 йилги ва бошқа амалдаги қонунлар асосида иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиб хал қилинади.

**7. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

7.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавкулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

**8. Бошка шартлар .**

8.1 .«Буюртмачи» томонидан ёкилги мойлаш материаллари билан таъминланади ва таъминланган ЁММ (дизел ёнилғиси) лари машина-механизмлар хизмати тўлови хақи хисобидан чегириб қолинади, ёки айрим холларда «Бажарувчи» ўзи ЁММ билан таъминлайди.

8.2.Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2( икки ) нусхада тузилиб, тарафларининг хар бирига бир нусхадан берилади.

8.3.Шартнома имзоланган кундан бошланиб, 31-декабрь 2022 йилгача давом этади.

**Юридик манзилгохлар ва тўлов реквизитлари.**

| **Б У Ю Р Т М А Ч И:** | **Б А Ж А Р У В Ч И :** |
|---|---|
| **Қашқадарё Й М Ф У К**<br>**Карши ш. Тўрткўл кўчаси 2-уй**<br>**Х/Р : 2262 6000 0045 6245 5008**<br>**Банк: МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ Карши ш.**<br>**МФО: 00150 ИНН: 206 820 624**<br>**ОКЭД: 42 110**<br>**Тел: +998(55)401-08-19** | **ЯТТ Азимов Бахтиёр Баходирович**<br>**Шахрисабз.т Уртакургон кишлоги**<br>**Х/Р: 2021 8000 0005 9207 2001**<br>**Банк: Ипак йули банк Шахрисабз фи-л**<br>**ИНН: 603 531 174**<br>**МФО: 01048**<br>**Тел-91-467-35-66** |

**Директор:** ____________ **Б.Вафаев**

**Директор :** ____________ **Б.Азимов**

AZIMOV BAXTIYOR BAHODIROVICH

Scanned with CamScanner